

Мунофиқларнинг тухмати



13:00 / 17.05.2021 2196

Шаъбон ойида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Бану Мусталиқ қабиласининг у зотга қарши одам тўплаётгани ҳақида хабар келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам душманни кутиб ўтирмасдан, устига бостириб боришга қарор қилдилар. Ўша сафар Ислom лашкари ичида илк марта Ибн Салул бошлиқ кўплаб мунофиқлар ҳам чиқишди. Муслмонларнинг Хандақ ғазотидаги ғалабасидан кейин улар тарозининг оғир палласи томонига ўтиб олишган эди.

Икки тараф Бану Мусталиқнинг Мурайсиъ номли қудуғи олдида тўқнашди. Шунинг учун ушбу ғазот «Мурайсиъ ғазоти» ҳам дейилади. Урушда муслмонлар ғолиб келдилар, кофир-мушриклар эса енгилишди.

Худди шу ғазотдан қайтишда Ибн Салул бошлиқ мунофиқлар Оиша онамиз ҳақларида «ифк» – бўҳтон тарқатишди.

Гапни бошқа ёққа буриб, ҳақиқатдан четга чиқиш, ёлғондан уйдирма тўқиш, бўҳтон ва иғво қилиш араб тилида «ифк» дейилади.

Мунофиқлар Оиша онамизга нисбатан ифк – иғво, бўҳтон, тухмат ва уйдирма уюштиришди. Уларнинг ифкига баъзи содда муслмонлар ҳам қўшилдилар. Орада катта фитна юз берди. Оиша онамизни зино қилганликда айблай бошлашди.

Ниҳоят, барча ишни ҳикмат ила қиладиган Аллоҳ таолонинг Ўзи аралашиб, ҳаммасини ўз жойига келтирди. Нур сурасининг ўн оятида Оиша онамиз оқландилар (11-20-оятлар). Ҳамма, ҳатто Оиша онамизнинг ўзлари ҳам: «Менга оқлов тушди», дедилар.

«Ислом тарихи» биринчи китоби асосида тайёрланди